

КАРТОШКА
ҚИММАТЛАШМАСЛИГИГА
КАФОЛАТ БОРМИ?



Жорий йил бошида юртимизда картошка нархи ошгани ва бу масалани узиш-кесил ҳал этиш учун Президентнинг тегишли қарори билан 400 млрд. сўм маблағ ажратилгани эсимизда.

Бугун Россия оммавий ахборот воситалари бир овоздан мамлакатда картошка нархининг қаррасига ошиб кетаётгани ва бу борада 2025 йил муаммоли бўлиши кутилаётгани ҳақида бонг урмоқда. Беларусь президенти барча кучни икки мамлакат эҳтиёжларини етарли даражада таъминлашга сафарбар этиш бўйича баёнот берганини ҳам кўрдик ва муҳим нуқта шундаки, бу топшириқларда ҳам жорий йилда муаммо тўлиқ ҳал этилмаслиги тан олинмоқда. Демакки, четдан бу маҳсулотнинг илгариги каби арзон нархларда юртимизга келтирилиши ҳам қийин масала бўлиб қолиши аён бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жорий йил кузида картошка ҳосилини кўпайтириш, сара ва ҳосилдор уруғлар олиб келиш, экиш ва етиштириш борасидаги топшириқлар ижроси юзасидан қандай чоралар кўргани ҳақида маълумот тақдим этишини истар эдик.

Олимжон ОЛИМОВ

Бекобод тумани

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 28 май куни Самарқандга ташриф буюриб, Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилди.

Давлат раҳбарига мажмуада бўлажак шароитлар ҳақида ахборот берилди. Макбара ҳовлиси ва хиёбонларга кўпроқ дарахтлар экиш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз кутиб олди.

2025 йил 28 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон бош вазири Абдулла Арипов Яшил иқлим жамғармаси ижроси директори Мафалда Дуарте билан учрашув ўтказди.

27 май куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон бош вазири Абдулла Арипов Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бош директори Дарен Танг билан учрашди.

Ўзбекистоннинг Португалияга янги тайинланган элчиси (қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган) Нодир Ғаниев ушбу мамлакат президенти Марселу Ребелу де Соузага ишонч ёрликларини топширди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги миссияси раҳбари, элчи Ғайрат Фозилов Европа комиссияси раиси Урсула фон дер Ляйенга ишонч ёрликларини топширди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Азимбой Саъдуллаев 2025 йил 28 май куни 78 ёшида вафот этди.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари академик Азимбой Саъдуллаев вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Қурбон ҳайити 6 июнь – жума кунига тўғри келиши, маълум қилинди. «Фалакий ҳисобга кўра, ҳижрий 1446 йил Зулҳижжа ойининг 1-куни 2025 йил 28 май чоршанба кунига тўғри келмоқда», дейилади Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати хабарига.

Пойтахтимизда Биринчи Ўзбекистон – Корея халқаро энергетика форуми бўлиб ўтди.

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида «Сунъий интеллект ва инсон ҳуқуқлари: имкониятлар, хавф-хатарлар ва ёрқин келажак тасавури» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатидан келган делегациялар, жумладан, Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

«Ishonch» саволлари

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига!
Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига!



МАСЪУЛЛАР БУ ЙИЛ «ҚОВУН» ТУШИРИШМАЙДИМИ?

2024 ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИДА ISHONCH.UZ САЙТИДА
«ҚОВУН ЕТИШТИРГАН МИРИШКОР: ЎТГАН ЙИЛИ ЯХШИ
ДАРОМАД ҚИЛГАНДИМ, БУ ЙИЛ БАНКРОТ БЎЛДИМ»
САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНДИ.

Унда Сирдарё вилоятининг «Мирзаҷул» қовун бозорида ўрганилган ҳолат таҳлил этилиб, харидор жуда камлиги сабабли маҳсулот бозорда кунлаб қолиб кетаётгани, деҳқонлар машиналар соясида кун ўтказаяётгани, улар, ҳатто, экишга кетган харажати ҳам чиқара олмаяётгани, тарвуз эканларнинг аҳоли ҳам шундайлиги ҳақида сўз юритилган.

Мана, навбатдаги қовун-тарвуз мавсуми ҳам бошланмоқда. Аммо умид билан ерга уруғ қадаган деҳқонлар ўтган йилги ҳолат тақдорларидан хавотирдаллиги аниқ.

Негадир бу борада амалга оширилаётган ишлар, тадқиқот ва таҳлиллар тўғрисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Усимликлар карантини ва химияси агентлиги, маҳсулотларни экспортга йўналтириш бўйича эса Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамон сукут сақламоқда.

Хўш, олдин юзага келган вазиятлар-

дан хулоса қилиб, ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва таклифлар қанчалик чуқур ўрганилди?

Мева-сабзавотлар экспорти учун янги хорижий бозорларни топиш борасидаги ишлар қай даражада? Деҳқон ва боғбонларнинг савдосини яхшилаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмади?

Нархларнинг кескин тушиб кетиши сабаблари бу мавсумда ўрганилганми? Унинг олдинги бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланган?

Деҳқонларнинг дилидаги шу саволларга мутасаддилар жавоб бера олашармикан?

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



ЎТГАН ЙИЛИ ҲАМ ШУ МАВЗУДА
СЎЗ ЮРИТГАН ЭДИК.

«Ishonch»нинг
Telegram
каналида кўринг!



ХОДИМНИНГ
ФОЙДАСИГА
ҚАРОР ЧИҚАРИЛДИ

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА
ЖАМОАТ ХИЗМАТИ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА
КЕНГАШИГА ФУҚАРО
НИЛУФАР САЛИМОВА
МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ.

Маълум бўлишича, у 2020-2022 йилларда Хоразм вилояти, Гурлан тумани, «Янгибоғ» МФИда фаолият юритган. Аммо иш берувчининг ташаббусига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ўрганишлар мобайнида ҳолат юзасидан қатор камчиликлар аниқланди ва иш берувчига тегишли тартибда кўрсатма хати киритилди. Лекин фойдаси бўлмади. Шундан сўнг ходимнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво-ариза киритдик. Суд ҳар икки томоннинг вазирлиги синчиклаб ўрганди ва ходимнинг фойдасига қарор чиқарди. Аммо фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди буни бекор қилди.

Олий судга шикоят-ариза топширдик. Пировардида дастлабки қарор қонуний ва асосли деб топилдишига эришдик. Суд қарори билан ходим ўз лавозимига тикланди ҳамда иш берувчидан унинг фойдасига 80 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий ва маънавий зарар пуллари ундирилди.

Мурод ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Давлат муассасалари
ва жамоат хизмати
ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

ҚОРОВУЛ ИШГА ТИКЛАНДИ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЯККАБОҒ ТУМАНЛАРАРО СУДИДА
НАВБАТДАГИ ДАЪВО-АРИЗАМИЗ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. БУ САФАР ЭШБОЙ СУЛТОНОВНИНГ
ҚОНУНИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШДИК.

Гап шундаки, у Қамаш тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасида «Кўрғонтепа» қабристонини қоровули сифатида ишлаган. Аммо 2023 йилнинг декабрь ойида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан бекор қилинган.

Маълум бўлишича, Э.Султонов 3 декабрь куни сабабсиз ишда бўлмаган. Бунинг оқибат-

тида унга ҳайфсан берилиб, ойлик маошидан 10 фоиз миқдорда жарима ушлаб қолинган. Шундан сўнг вазифасидан озод этилган.

Мазкур ҳолат Меҳнат кодекси талабларига зид, яъни ходимнинг бир айби учун икки марта жазога тортиш мумкин эмас. Бундан ташқари, иш берувчи Э.Султонов билан шартномани бекор қилиш чоғида касаба уюшмаси розилигини олмаган.

Суд ушбу камчиликларни жиддий қонунбузарлик сифатида баҳолаб, ходимни ишга тиклаш ҳамда бекор юрган кунлари учун ўртача иш ҳақини ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Шамсиддин САТТОРОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Қашқадарё вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

МИННАТДОРЛИК

1211 га
МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИМ
етти ойда ҳал бўлмаган
иш икки кунда ҳал бўлди

Айни пайтда Ангрэн шаҳрида яшайман. Ёшим 34 да. Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Уларни ёлғиз ўзим катта қиляпман. Ўтган йили Ангрэн университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган эдим. Бироқ шартнома пулини тўлашга қўрбим етмади.

Ноилжликдан маҳалладан ёрдам сўрадим. У ердагилар шаҳар ҳокимлигига жўнатишди. Масъуллар айтган ҳужжатларни тўплаб, топширдим. Ушанда менга ўтган йилнинг 5 декабрига қадар шартнома пули тўлашни айтишганди. Аммо орадан анча ўтса ҳам, масалам ҳал бўлмади.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлигига мурожаат йўлладим. Улар ҳам озгина кутиб туришимни айтишди. Лекин яна аввалги ҳолат тақдорланди – пулдан дарак бўлмади.

Охириги чора сифатида умид билан 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қўқдим. Улар шикоятимни ёзиб олишди. Етти ойда ҳал бўлмаган иш икки кунда ҳал бўлди. Масъуллар шартнома пулини ўтказиб беришди. Муаммоларимни ҳал этишда бош-қош бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан миннатдорман.

Муҳсина МАМЕДОВА



Ангрэн шаҳри,
«Дорилфунун» маҳалласи

ФАОЛИЯТ САМАРАСИ – ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКДА

Янги Ўзбекистон умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорликка асосланган, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашни мақсад қилган давлатдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Сўнги йилларда ижтимоий шериклик, яъни фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик мамлакат бошқарувида муҳим ўрин эгаллади. Натижада кўп йиллардан буён ечилмай келётган муаммо-ю масалалар ижобатини топди. Бунини одамларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланганидан кўриб-билиб турибмиз.

Шубҳа йўқки, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда Ўзбекистон касабасаноатлари Федерациясининг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, ташкилот ваколати доирасида меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шу тариқа уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни асосий мақсадга айланган.

Жумладан, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабасаноати Республика кенгаши меҳнат муносабатларида адолат ўрнатиш, ишчи-хизматчилар манфаати учун курашиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, жамоаларда меҳнат муҳофазасини кучайтириш каби йўналишларни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган. Айниқса, ходимлар ўз қобилиятларини тўлиқ намойён этишлари учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш доимий назорат остида.

Табиийки, кўзланган мақсадларга эришиш учун ходимларнинг билим ва малакасини ошириб бориш керак. Шу боис, тез-тез ўқув машғулоти ҳамда қайта тайёрлаш курслари ташкил этилмоқда. Мисол учун, 2024 йили 50 нафар ходим халқаро Европеиё металлургия касабасаноати томонидан Туркиянинг Анқара шаҳрида ташкил этилган ўқув курсларида малака ошириб, ўзара тажриба алмашиб қайтишди. Жорий йил ҳисоби-

дан эса 25 нафар ходим ана шундай жараёнларда малака ошириб келишди.

Бундан ташқари, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик алоқаларини янада кучайтириш учун жамоа шартномаларига кўшимча имтиёз ва қасолатлар киритилди. Пировардида тасарруфдаги 287 та корхона ва ташкилотнинг 76 минг 963 нафардан зиёд ишчи-ходими шундай имкониятдан фойдаланиб келмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг февраль-апрель ойларида корхона ва муассасаларда касабасаноат ташкилотларида жамоа шартномаларининг бажарилиши муҳокама-сига бағишланган ҳисобот-сайлов йиғини-шлари ҳамда конференциялари ўтказилди. Шу асно касабасаноат раислари сайланди.

Ходимларнинг соғлигини тиклаш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнатқашлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда санаторий ва дам олиш масканларига юборилмоқда. Натижада, шу пайтга қадар даволаш ва жарроҳлик амалиётлари учун ташкилотлар ва тармоқ касабасаноати ҳисобидан 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Иш қурулини тез бўлса, машаққатинг оз бўлади, дейишади. Шу нақлга амал қилган ҳолда корхоналардаги эскириб, муддатини ўтаб бўлган техник жиҳозлар янгиланмоқда. Ишлаб чиқариш объектларида «яшил» ҳудудлар ташкил этилмоқда. «Ўзметкомбинат» АЖ ҳамда «ADM Jizzakh» МЧЖ томонидан бунёд этилган касабасаноат боғи шулар жумласидан.

Астойдил қилинган меҳнатнинг мукофоти узоқ куттирмаганидек, соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида аъзолар сафи йил сайин кўпаймоқда. Бинобарин, 2024 йилда 163 та бошланғич ташкилот, 58 та цехнинг 30 минг 413 нафар ишчи-ходими касабасаноатга қамраб олинди.

Ўзбекистон касабасаноатларининг 120 йиллиги арафасида турибмиз. Ушбу муҳим санани кўнгилдагидек нишонлаш

учун жиддий тайёргарлик кўриляпти. Хусусан, касабасаноатнинг тарихи чуқур ўрганиляпти. Масалан, Ўзбекистон миллий архивида сақланаётган соҳага оид қатор ҳужжатлар кўздан кеңирилди. Урганишлар мобайнида 1919 йил 7 июлда Бутуниттифоқ металлургия касабасаноати Туркистон тумани кўмитасининг II Қурултойи бўлиб ўтганини аниқладик. I Қурултой қачон ўтказилгани ҳақида ҳозирча бирон-бир маълумот топилмади. Лекин қурултойлар оралиги 5 йил эканини инобатга олсак, металлургиянинг илк касабасаноати 1914 йилда ташкил этилган, деган хулосага келиш мумкин.

1919-1924 йилларда «Туркистанский районный комитет Всесоюзного профессионального союза рабочих металлистов», яъни «Бутуниттифоқ металлургия касабасаноати Туркистон тумани кўмитаси» фаолияти тўғрисида маълумотлар аниқланди. Унга қура, 1934 йилнинг 5-6 сентябрида Россия Федерацияси Олий кенгашининг биринчи Пленуми касабасаноатларини тармоқ ва ҳудудий тамойиллар бўйича бирлаштиришга қарор қилиб, Олтин ва платина қазиб олувчилар касабасаноати, рангли металлургия қазиб олувчилар касабасаноати ва рангли металлургия қазиб олувчилар касабасаноати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон металлургия ишчилари касабасаноати Марказий кўмитаси номи Ўзбекистон тоғ-кон металлургияси ишчилари касабасаноати Марказий кўмитасига ўзгартирилди.

СССР Марказий Осиё Олтин ва платина қазиб олиш ишчилари касабасаноати Марказий кўмитаси Президиумининг 1943 йил 26 январдаги қарори билан Олтин ва платина қазиб олиш ишчилари касабасаноати Марказий Осиё тумани кўмитаси Олтин ва платина қазиб олиш ишчилари касабасаноатининг Марказий Осиё республикалараро кўмитаси деб номланган. 1947 йилнинг 3-4 октябрида эса Рангли металлургия ишчилари касабасаноати Марказий Осиё республикалараро кўми-

тасига ўзгартирилган. 1951 йили Рангли металлургия ишчилари касабасаноатининг Марказий Осиё республикалараро кўмитаси тугатилиб, унинг ўрнига Рангли металлургия ишчилари касабасаноатининг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаси кўмиталари тузилади.

1955 йил 12 январда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда Рангли металлургия ишчиларининг республика касабасаноати кўмиталари тугатилиб, уларнинг ўрнига рангли металлургия ишчиларининг Марказий Осиё республикалараро кўмитаси ташкил этилди.

1957 йили саноат ва қурилишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари муносабати билан Бутунроссия саноатчилар ва тадбиркорлар Иттифоқи Президиуми касабасаноатларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Рангли металлургия ва қора металлургия ишчилари касабасаноати битта ташкилотга – Металлургия ишчилари касабасаноатига бирлаштирилади.

1990 йил августига келиб, Ўзбекистон металлургия ишчилари касабасаноатининг I Қурултойидан сўнг ташкилот ушбу ном остида фаолият юрита бошлайди. 1995 йил 24 февралда эса Ўзбекистон металлургия саноати ишчилари касабасаноати Марказий кўмитасининг II Қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон металлургия ишчилари касабасаноати Марказий кўмитаси номи Ўзбекистон тоғ-кон металлургияси ишчилари касабасаноати Марказий кўмитасига ўзгартирилди.

Манбалар асосида Машинасозлик саноати касабасаноати тарихига назар солади-ган бўлсак, оғир машинасозлик саноати ходимлари касабасаноати вилоят кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати ходимлари касабасаноати вилоят кўмитаси 1934-1944 йилларда ташкил топганига гувоҳ бўламиз.

Мустақилликдан сўнг машинасозлик саноати касабасаноати Марказий кўми-



Аҳмаджон ҲАҚУЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабасаноати Республика кенгаши раиси

тасининг I Қурултойи бўлиб ўтади. 1998 йилга келиб, Ўзбекистон машинасозлик саноати касабасаноати Марказий кўмитаси ҳамда Металлургия ишчилари касабасаноати Марказий кўмитасининг кўшма Қурултой мажлисида икки соҳа бирлаштирилиб, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабасаноати Марказий кенгаши таъсис этилади.

2014 йил навбатдан ташқари Қурултой мажлиси қақрилиб, бу кенгаш номи Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабасаноати Республика кенгаши деб ўзгартирилди.

Умуман, мустақиллик йилларида металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари жамият фаровонлиги, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялашда сидқидилдан хизмат қилмоқда. Шубҳа йўқки, бундан кейинги фаолиятимиз ҳам давлат сиёсати монанд давом эта-жак.

ЖУМАЕВГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Бухоро минтақавий темир йўл узели ҳудудий касабасаноати тасарруфидаги 21 та бошланғич ташкилотда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда ходимлар аъзолар орасидан муносиб номзодларни ўзларига етакчи қилиб олишди. Қуни кеча эса ҳудудий касабасаноатининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда 39 нафар делегат қатнашди.



Конференцияда ҳудудий касабасаноати кўмитасининг 2020 йилдан 2025 йил май ойига қадар олиб бориш фаолияти аён бўлди, шунингдек, касабасаноати фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланди. Муҳокама-лардан сўнг делегатлар томонидан ҳудудий касабасаноати фаолиятига тегишли баҳо берилди. Ҳисобот даврида эри-

шилган натижалар, шунингдек, мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилинди, навбатдаги устувор йўналишлар белгилаб олинди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда ҳудудий касабасаноати кўмитаси раислигига М.Жумаев қайта сайланди.

Конференцияда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабасаноати Республика кенгаши раиси Қутлимурат Сабилов ишти-

Жаҳонгир САЪДИЕВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабасаноати Республика кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

■ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Айни кунларда Жиззах вилоятида ҳам тармоқлар касабасаноати вилоят кенгаши ва уларнинг туман-шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайловлар қизғин давом этмоқда. Галвир сувдан кўтарилган бундай сарҳисоб онларида, ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга танқидий-таҳлилий баҳо берилмоқда, йўл қўйилган камчиликлар айтиб ўтилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар ўртага ташланмоқда.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС



Таълим ва фан ходимлари касабасаноати Мирзачўл тумани ташкилотининг конференциясида 2020-2025 йиллар давомида олиб борилган ишлар юзасидан кенгаш раиси Мурод Бекқуловнинг маърузаси тингланди. Бу даврда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳада маънавий-маърифий, маданий-оммавий ҳамда спортни ривожлантириш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилгани айтиб ўтилди. Ходимларнинг кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида фаолларнинг ўқув-семинарлари доимий равишда ташкил этилгани эътироф этилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар фаолиятга қониқарли, деб баҳо беришди. Яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтган сайловда Мурод Бекқулов қайта сайланди.

Конференцияда Таълим ва фан ходимлари касабасаноати Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов сўзга чиқиб, ташкилотда ходимлар манфаати йўлида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазоворлигини эътироф этди. Касабасаноатларининг 120 йиллигини муносиб ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхтади.

Жиззах вилояти Агрисаноат мажмуи ходимлари касабасаноати Зарбдор тумани кенгаши конференцияси ҳам қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Кенгаш раиси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тинглангач, делегатлар томонидан уларнинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Б.Утапова туман кенгашининг янги раиси этиб сайланди. Давлат муассасалари ва жамоат хиз-



мати ходимлари касабасаноати Шароф Рашидов тумани кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида касабасаноати ва тафтиш комиссияси раисларининг ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар туман кенгаши фаолиятини қониқарли, деб баҳоладилар. Сайлов натижаларига қура, Ҳамида Артиқова яна беш йилга туман кенгаши раиси бўлди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабасаноати Арнасай тумани кенгашининг конференцияси ҳам қизғин кечди. Музокаралардан сўнг, ўтган беш йиллик фаолиятга доир ҳисобот қониқарли деб топилди. Қун тартибидаги навбатдаги масала – кенгаш раисини сайлаш жараёнида Нодир Ярлаева яна ишонч билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда етакчилар ҳисоботларига танқидий-таҳлилий баҳо берилиши билан бир қаторда, ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда касабасаноати ходимлари фаоллигини янада ошириш юзасидан ўртага ташланган тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилмоқда. Бу эса давр билан ҳамнафас фаолият олиб боришда қўл келиши табиий.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Қолаверса, боланинг отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи мамлакатимизнинг Оила кодексига ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг 66-моддасида шундай дейилади: «Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (*ушлаб туриш, қамоққа олиш, хибсага олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда*) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга».

Хўш, бу жараён қандай амалга оширилади?

Мазкур саволга жавоб айнан Оила кодексининг 76-моддасида белгилаб қўйилган: «Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келишмади, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан вассийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин».

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар

ОТА-ОНА ВА ҚАРИНДОШЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

■ ТУШУНЧА

«Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга...» дейилади «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида. Фақат бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно.



бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Мазкур кодекснинг 77-моддасида эса бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиш туриш ҳуқуқига эга экани, ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, вассийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бири) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкинлиги, агар ота-она (улардан бири) вассийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки вассийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиш туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Бундай ҳолларда суд бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низо ни эҳтиёт қилади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота (она)га нисбатан қонунчиликда

назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Боланинг суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши ҳам қонунчилигимизда белгиланган. Ушбу вазиятларда суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар боласи билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишга руҳсат берилиши мумкин. Эр-хотиннинг бола билан кўришишига вассийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёхуд вассий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумлари «Болалар тарбияси билан боғлиқ низолини ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 7-бандида келтириб ўтилганидек, боладан алоҳида яшаётган ота-она ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, у билан кўришишда, шунингдек, вояга етмаганнинг ота-она билан кўришиш ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида кўришиш тартибини (вақти, жойи, кўришиш давомийлиги ва ҳ.к.) баён этиши лозим.

Бола билан ота-онанинг кўришиш тартибини белгилашда боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғи, ёши, унинг ахлоқий камолотига таъсир қиладиган ҳолатлар, боланинг ота (она)га боғлиқлиги инобатга олинади.

Истисно ҳолларда бундай рад қилиниши мумкин.

Суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-оналарнинг, қонунга эътибор қилиш зарурати мавофиқ, бошқа шахслар иштирокида болаларнинг тарбиялашларига монелик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги масала ҳам судлар томонидан ҳудди шундай ҳал этилиши лозим.

Нозима АБДУСАЛОМОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро
суди судьяси

Сўранг, жавоб берамиз...

ЎРНИМГА ОЛИНГАН ХОДИМНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

САВОЛ: Айни пайтда бола парвариши таъти-лидаман. Лекин яқинда ишга чиқмоқчиман. Қайтганидан сўнг иш берувчи ўрнимга олинган ходимни бошқа вазифага ўтказадими ёки уни бўшатиб юборадими? Умуман, раҳбар унга иш таклиф қилишга мажбурми?

Дилдора ҚАРШИЕВА

Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Кўп ҳолатларда мазкур масалада иш берувчи ва ходим ўртасида низолар келиб чиқади. Ахир, ким ҳам ишлаб турган жойини ташлаб кетгиси келади, дейсиз.

Аслида қонунчиликда иш берувчига бундай мажбурият қўйилмаган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 158-моддаси 3-қисмида иш жойи (лавозими) сақланаётган ходимнинг ўрнида ишлаётган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ушга қайтган кундан эътиборан бекор қилиниши

керак. Аммо баъзи истиснолар мавжуд. Яъни МКнинг 408-моддаси 3-қисмига кўра, муддатли шартнома асосида бошқа ходимнинг ўрнида ишлаётган хизматчи хомиладор бўлса, иш берувчи унга бошқа иш таклиф қилиши лозим. Борди-ю, ташкилотда унинг соғлиғига тўғри келадиган вариант бўлмаса ёки ходим таклиф қилинган лавозимни рад қилса, уни МКнинг 158-моддаси билан бўшатиш мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



MISS TAXI МАЛИКАСИ – ТАКСИЧИЛИКДАН БИЗНЕСГА ЙЎЛ

Сизга ҳам тавсия этамиз!

ОРАМИЗДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР



«Ishonch»нинг
YouTubeдаги
саҳифасида
кўринг!

Жорий йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Президентимиз ўз нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлар экан, мазкур иллатга «жамият танасидаги саратон» сифатида қарашимиз кераклигини таъкидлаб ўтди.

ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

уни енгиш учун яқдиллик билан ҳаракат қилиш лозим



Йиғилишда 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббус илгари сурилди. Улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарор ишлаб чиқилади. Коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий

кенгашларига ҳам катта ишонч билдирилмоқда.

Юртбошимиз парламент палаталари, маҳаллий кенгашлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла раислари, нурунийларни мазкур масалага бош-қош бўлиб, аҳоли орасида тушултириш ишларини оширишга чақирди. Зеро, бу йўлда барча ягона куч бўлиб ҳа-

■ ОГОҲЛИК

ракат қилса, ижобий самарага эришиш мумкин.

Амалий ишларда маҳалла фаоллари, нурунийлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тadbirkorлар, таниқли шахслар, депутат ва сенаторлар, умуман, бутун жамоатчилик «бир ёқадан бош чиқариб» ҳаракат қилиши керак бўлади. Фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини синдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида тарғиботлар ўтказиш жуда муҳимдир.

Коррупцияга қарши кураш жараёни ҳеч қачон аниқ муддат билан чекланмайди. Ушбу масалада фақат ҳукумат саъй-ҳаракати билан қутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу – бутун жамиятимизнинг иши, бугунги ва эртасига бефарқ бўлмаган юртдошларимизнинг виждон ишига айланмоғи керак.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислохотларимиз натижадорлиги, аввало, садоқатли, фидойи ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодга бевоқифа боғлиқ. Бу ишда фикри тоза ёш авлодни тарбиялаш устувор вазифага айланиши шарт.

Суюн СИЛЛИЕВ,
Жиззах шаҳар ҳокимининг
ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириш
ва маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари

■ ISHONCH»ГА МАҚТУБЛАР

КРЕДИТ ЎПҚОНИ

ҲАЁТ КУТИЛМАГАН СИНОВЛАРГА ТЎЛА. БАЪЗАН ЕТТИ УХЛАБ ТУШИНГГА КИРМАГАН ИШЛАР БЎЛАР ЭКАН. МЕН ҲАМ ЎЗИМ АНГЛАБ-АНГЛАМАЙ, БИЛИБ-БИЛМАЙ ҚИЛГАН ХАТОИМНИНГ ЖАБРИНИ ТОРТИБ ЎТИРИБМАН. БОШИМДАН ЎТГАНИ БОШҚАЛАРГА САБОҚ БЎЛСИН, ДЕБ УШБУ МАҚТУБНИ ЁЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИМ.

Тошкентда туғилиб-ўсганман. Фаровон, тинч-хотиржам оилада улғайдим. Мактабни тамомлағач, қандолатчилик соҳаси бўйича тахсил олдим. 20 ёшимда турмушга чиқдим.

Ун йил мобайнида турмуш ўртоғим билан тинч-тотув яшадим. Аммо бахтимиз тўксилу-гига фарзандсизлик соя солиб турар эди. Ниҳоят, синовли кунлар ортда қолди. Дуо-илтижолар ўнгидан келиб, 11 йил деганда бағримиз тўлди – Аллоҳ паҳлавондек ўғил билан сийлади. Икки йил ўтиб, иккинчи ўғлимиз дунёга келди. Шу билан бахтимиз тўксис бўлгандек эди. Аммо, хўжайиним ўзи ишлаётган мармар цехига раҳбар этиб тайинланган, ўзгара бошлади. Очиғи, буни кутмагандим. Ҳа, «Ўғил болани тўқчилик, қиз болани йўқчилик бузди», деб бежиз айтишмас экан. Кўз очиб кўрганим пули кўпайгач, уйга кеч келадиган бўлди. Қайф-сафога берилди. Бу ҳам етмагандек, кимор ўйнашни одат қилди. Уни тўғри йўлга қайтаришга уринишларимиз зое кетди. Муносабатимиз шу тариқа совуқлаша бошлади. Охири ажрашдик. Ота уйимга қайтиб бордим. Фарзандларимни боқиб учун хоним пишириб сотдим. Кейинчалик укам билан кафе очдик. Лекин ишимиз ҳадеганда юришиб кетмади. Аммо оч қолмадик.

Турмуш ўртоғим йиллар давомида алимент тўламай юрди. Бу орада ўғилларимни ёлғиз ўзим катта қилдим. Укам уйланиши учун биз уй олиб, чиқиб кетишимиз керак эди. Шунинг учун қарздорликни суд орқали ундириб олдим. Унга ўзим йўл-теганимни қўшиб, уй учун банкка 8 минг АҚШ доллар миқдорда бошланғич тўловни амалга оширдим. Банк билан тузилган шартномага асосан, 7 йил давомида ҳар ой 23 миллион сўмдан кредит пулини тўлаб боришимиз лозим эди. Укам билан бошлаган бизнесимиз анча юришиб қолгани боис тўлов қилиш аввалига унчалик қийин бўлмади. Аммо ишимиз касодга учрагач, кредитни вақтида тўлолмадик.

Кредит олишда бизга бир ўртақаш фирма ёрдам берганди. Ушанда «Ойлик тўлови кўп-ку, тўлолмай қолсақ нима бўлади?» дея эътироз билдирганимизда улар «Агар тўлолмасангиз, муддатини чўзиб, ойлик тўловни камайтириб беришадим», дейишганди. Шунга ишониб, ҳолатимни

банк мутасаддиларига тушунтирдим, муддатни чўзишни сўрадим. Лекин улар шунчаки «Кўра-миз-кўра-миз», дейишдан нарига ўтишмади. Мана шу ишларга ҳам 9 ой бўлди. Ҳалигача тўловларни амалга оширганам йўқ. Бир боламнинг топгани рўзгордан ортмаепти. Афсус, контракт пулини тўлолмаганимиз учун ўғлим ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Иккинчи фарзандим ҳали мактаб ўқувчиси, қўлидан бирон-бир иш келмайди. Ўзим қангли диабетга чалиниб қолдим.

Шу кунларда банкдагилар тез-тез қўнғироқ қоқиб, «Қаердан бўлса ҳам кредитни тўлаб қўйинлар», деб қўйишмаяпти. Бошида уйни сотиб, кредитни сўндиришимизга қаршилик қилишганди. Энди эса бир ҳафта ичда хонадонни сотиб бўлса ҳам қарздорликни ёпиш-мизни талаб қилишяпти. Умуман қарздорлик миқдори 1 миллиарддан ошиб кетибди. Уйни сотиб ҳам қарздан қутул-майимиз. Бошланғич тўлов қўйиб кетаркан, шу инсофданми?.. Билмайин босдим тиканни, деб шунга айт-салар керак...

Аттанг, банк билан шартнома тузиб, хато қилган эканман. Топганим жабр-сўтам, афсус-надомат бўлди. Бошқаларга маслаҳатим ипотека кредити олишдан олдин, етти йўлаб, бир келишим. Акс ҳолда, бизнинг ҳолимизга тушиб қолшилар ҳеч гап эмас.

Мамлакат
АБДУҚОДИРОВА
Тошкент шаҳри

ЭЪЛОН

«SARDOBA OIL GROUP» МЧЖ (СТИП: 303243977) устав жамғармаси 59.682.000.000 сўмдан 34.721.199.000 сўмга камайит-рилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 22-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

ОЛАМДА БУГУН

ЕВРОПАДА УРУШ КЎЛАНКАСИ

Европа Иттифоқи Россия билан тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувга тай-ёргарлик кўраётганидан дарак берувчи қадамлар ташлапти, дея баёнот берди Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Грушко.

– Еининг Украина можаросига нисбатан позицияси тинчликка етакламапти, аксинча, Россияни стратегик мағлубиятга учратишга қаратилган, – деди дипломат. Шунга қарамай, Москва муаммони ҳануз музокаралар орқали ҳал этиш йўлларини изламоқда. Кўни кеча Москвада Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳамда Туркия ташқи ишлар вазири

Ҳоқон Фидан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Анқара яна бир бор Россия ва Украина ўртасидаги навбатдаги музокараларга мезбонлик қилишдан умидвор эканини тасдиқлади. Мутахассисларнинг фикрича, Туркия ўзини нафақат музокара майдони, балки тўлақонли воситачи сифатида намоён этишга интиломоқда.

ПАВЕЛ ДУРОВДАН ТАНҚИДЧИЛАРГА ЖАВОБ

Telegram мессенжери асосчиси Павел Дуров уни Россия манфаатларига хизмат қилишда айблаётган танқидчиларга кескин жавоб берди. У Осида бўлиб ўтган Эркинлик форумида сўзга чиқар экан, бундай айбловлардан ўта ранжитаётганини таъкидлади.

– Мен русман. Ва мен кимнингдир «активи»га айлангандан кўра, ўлимни афзал кўраман. Бундай гапларни тарқатаётганлар менинг тарихимни, «ВКонтакте» ва Telegram сўз эркинлиги ҳамда шахсий ҳаётни ҳимоялашда қанчалик ўрин тутишини хаёлларига ҳам келтиролмайдилар, – деди Дуров.

У Шарқий Европада рақамли махфийликни ҳимоя қилиш бўйича Telegram каби самарали иккинчи ижтимоий платформани борлигини шубҳа остига қўйди. Дуровга кўра, Telegram айнан шахсий ҳаёт таҳдид остида қолаётган мамлакатларда анча оммалашган.

ТРАМПДАН КАНАДАГА ТАКЛИФ: «АСР БИТИМИ»

АҚШ Президенти Дональд Трамп Канадага Американинг ракеталарга қарши муҳофаа тизими – «Олтин гумбаз» (Golden Dome) таркибига киришни таклиф қилди. Унинг сўзларига кўра, агар Оттава ушбу тизимга мустақил давлат сифатида қўшилмоқчи бўлса, 61 миллиард доллар тўлаши керак. Бироқ АҚШ таркибига кирса, шубҳасиз, тизимга бепул ўланади.

«Беқиёс «Олтин гумбаз» тизимининг бир қисмига айланишни жуда истаётган Канадада шундай дедим: агар улар алоҳида миллат мақомида қолмоқчи бўлсалар, марҳамат, тизимга қўшилиш учун

61 миллиард доллар тўлаб қўйсинлар», деб ёзган Трамп Truth Social ижтимоий тармоғида. Унинг сўзларига кўра, таклиф айна пайтда Канада ҳукумати томонидан кўриб чиқилаётган экан.

ЭВТАНАЗИЯ ҚОНУН ДОИРАСИДА

Франция Миллий мажлиси тузалмас касалликларга чалинган беморлар учун эвтаназияга рухсат берадиган қонун лойиҳасини маъқуллади.

Қонун лойиҳасини 305 депутат қўллаб-қувватлади, 199 нафар депутат қарши овоз берди. Энди ушбу ҳужжат Сенат муҳокамасига юборилади.

чидаб бўлмас оғриқ ва азоблар билан кечаётган тузалмас хасталик борлиги ҳақидаги қарор шифокорлар гуруҳи томонидан тасдиқланиши керак.

Унга кўра, эвтаназия ҳуқуқи Франция фуқаролари ва мамлакат ҳудудида қонуний яшовчи вояга етган ҳар бир шахсга берилади. Беморда охири босқичдаги

Бироқ, оғир психик касалликлар ва нейродегенератив хасталиклар, жумладан, Альцгеймер хасталигига чалинган беморлар бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди.

БРИТАНИЯДА «УЧАР ТАКСИ» СИНОВИ

Британиянинг Vertical Aerospace компанияси Европада илк бор очиқ ҳаво йўналишида «учар такси» парвозини амалга оширди. Бу ҳақда The Daily Telegraph наشري хабар берди.

Синовлар Англиянинг жануби-ғарбида жойлашган Котсуолдс минтақасида ўтказилган. Электр двигателида ишловчи VX4 прототиби маҳаллий аэропорт йўлакчасидан парвозга кўтарилди.

лик режимга ўтиш имкониятлари синовдан ўтказилади. VX4 – келажақда шаҳар ички ҳаво такси хизмати сифатида фойдаланилиши мўлжалланган электр ҳаво транспорти лойиҳасининг бир қисми ҳисобланади.

Наشر маълумотига кўра, келгуси босқичда VX4нинг вертикал кўтарилиш қобилияти ва крейсер-

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

Тўйлар, у хоҳ суннат, хоҳ никоҳ тўйи бўлсин, йиллар давомида ўзига хос ўзгаришларга учради. Кимдир «эмоционалликни» намойиш қилиш учун Европага хос удумни сингирди – вальс қўшди, гулни ортига улоқтирди ва яна аллақандай одатларни ўйлаб топди. Кимдир саҳийлиги ёки мол-мулкни кўз-кўз қилиш учун дастурхон ҳажми, сеплар кўлами, меҳмонлар сонини оширгандан-оширди, айниқса, дабдабозлик ва кўз-кўзчиликка ўч табақа ўртасида кимўзарлик пой-гаси бошланди: турли безак ва ҳашамлар, тўй ўтказиш дастурларида комплекслашув, байрамона мушакбозлик, тўй кортежи – машиналар қарвони каби урфлар авж олди.

Ҳатто қуданикига олиб бориладиган тўёналарга мато кийгизилиб, кўйлар бўйнига алвон тасма боғланди. Хуллас, ким нима яратса, тўй ҳашамларига олиб бориб қўшаверди. Оқибатда ўртача ҳар бири 100 миллион сўм харажати талаб қиладиган тўйлар мажмуаси дунёга келиб қолди. «Аслида моҳият нима эди?» деган савол эсимиздан ҳам чиқиб қолди. Илгари бугунгидек ёшларнинг ҳалол никоҳдан ўтишлари расмийлаштирилмаган ва уларнинг қўлларида далилий ҳужжат бўлмаганига тўғрисида элга билдириш урфи қўлланилган ва моҳият ҳам шу эди. Ҳозир эса ёшлар кўлига никоҳ гувоҳномаси берилади. Қолган ҳою ҳавасларнинг барчаси шунчаки дабдабозлик ва айрим ҳолларда калтабинликнинг меваси, холос.

Эҳтимол, кимдир «Хўш, болангинг тўйи учун 100 миллион сўм кетса, нима бўпти?», дейиши мумкин. Балки кимгадир бу маблағ арзимас чақадир. Бироқ бошқадан кам бўлмай, элдан қолмай деб, тўй ортидан қарзга ботиб, бошини ушлаб қолганлар камми? Ёки қарз олмаган тақдирларида ҳам, бу маблағни емай, ичмай, ҳатто ўзларининг саломатликларидан ҳам аяб ёки болаларининг шартнома пули, тўғарақларидан кизгиниб йиққанлари қанчалик ташкил этади? Хўш, ана шу маблағни вақтида фарзандимиз илмига сарфлаганимизда нима бўларди?

Мен тўйлар қилинишига мутлақо қарши чиқаётганим йўқ. Зеро, у азалидир. Келинг, унинг тарихига юзлаиб кўрамыз. Ўзбек миллати, умуман, Марказий Осиё халқларида азалдан тўю тантаналар ҳаётнинг муҳим қисмини эгаллаб келган. Агар халқ озгаки иходига мансуб эртак ва дostonларга юзланадиган бўлсак, воқеа охирида асар қаҳрамонлари бўлиши ошқинлар бахтига етиб, «қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй қилишгани» баён этилади. Қолаверса, аксарият дostonларимиз воқеа-

ЎЗИМИЗ ТЎҶИГАН УРФЛАР

ёҳуд тўйларимиздаги ўйлар

лари исломгача бўлган даврни қамраб олган. Бу эса халқимиз азалдан шодиёналарини тўй қилиб, тантанали нишонлашга мойил бўлиб келганлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, Шарқ халқларида жамоавийлик ҳисси устун бўлиб, улар ўзлигини жамоа ва элдан ташқарида кўришмайди. Бунинг ҳам ўзига хос илдирилари бор. Маълумки, одамлар жамоа бўлиб бирлашишга нафақат иқтисодий, ўзини ҳимоя қилиш каби нуқтаи назарлардан, балки маънавий жиҳатдан ҳам муҳтож бўлганлар. Агар юртимиз тарихига оид энг қадимий манба сифатида сақланган «Авестога» суянадиган бўлсак, патриархал тузум ҳукмронлик қилганини, яъни оталар матилқиларидан ҳам аяб ёки болаларининг шартнома пули, тўғарақларидан кизгиниб йиққанлари қанчалик ташкил этади? Хўш, ана шу маблағни вақтида фарзандимиз илмига сарфлаганимизда нима бўларди?

Мисол учун, катта патриархал оилани «нмана» дейишган. Бир қанча нманалар жамланиб, уруғ бўлган ва вис дейилган. Буни бугунги маҳаллаларга қиёслаганимиз мумкин. Ҳар бир маҳаллада маълум бир етакчи хунармандчилик тури, уруғчилик анъаналари, географик ўзига хосликларга кўра, анъана, тарбиявий муҳит, удум ва қадриятлар, шунинг-

дек, тўйлар юзага кела бошлаган. «Авестога» кўра, оксоқоллар кенгашидан «Эркаклар уйи» бўлган. Унда маҳалла билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, бирага овқатланадиган «оловхона»лар ажодлар яхши кун ва тўй-маъракаларни азалдан бирга ўтказишга мойил бўлганини билдиради. Бу эса жамоавий тартиб-интизом ва ахлоққа асосланган жамоавий тарбияни тақозо этган.

Кўриб турганимиздек, тўй-маросимларнинг илдири жуда қадимга бориб тақалади. Тўй атамаси олимларнинг ўрганишларига кўра, туркийдир. Қадимда ушбу атама чигатой хонлари, мўғуллар даврида қўлланилгани манбаларда келтирилади. Хусусан, арабистонлик сайёх Ибн Баттута XIV асрда бизнинг минтақамизга – Мовароуннахрга саёҳат билан келади ва бу ерда кўрган-эшитганларини ўз эсдаликларига қайд этиб боради. Унинг келтиришича, хонлар, хусусан, Чингизхоннинг авлодлари, бек ва амирлар, лашкарбошилар ҳамда обрўга эга аёллар иштирок этган «той»лар, яъни йиғинлар ҳар йили ўтказилган ва у қурултой, деб аталган. Хусусан, ҳижрий 1280, милодий 1864 йилнинг 5 майига қадар Ҳасан Мурод қўшбегии – вазир ўғли Муҳаммаднинг Юсуфбек хоннинг қизига уйлантиради ва бир неча кунлик «той», яъни зиёфат беради. Бунда, аввало, амалдорлар ва пулдор одамларнинг дабдабозликка ўч бўлганини, иккинчи томондан, улар

камбағал қатламга хайр-эхсон қилишганини ҳам кўриш мумкин.

Умуман, миллат зиёлилари азалдан дабдабали тўй-ҳашамларга қарши қаттиқ курашиб келишган. Хусусан, жадидларимиз тўйга кетадиган ақчаларни мактаб, мадраса, қироатхона ва шифохоналарга сарфлашга даъват қилишган. Керак бўлса, бу йўлда ўзлари элга намуна бўлишган. Жумладан, «Садойи Фарғона» газетасининг 1915 йилги 2 апрель сониде чоп этилган мақолада ёзилишича, қўқонлик зиёли савдогар Ҳожи Маҳмудхон ва Мулла Юсуфхон атторлар ночор оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб беришган.

Муҳтасар айтганда, тўйлар шодиёнага айлантирилиши яхши, аммо бу моддий ва маънавий зарар эвазига бўлиши керак эмас! Энди «топганинг тўйларга» эмас, «Топганинг – буюк ишларга буюрсин», деб дуо қилишни ўрганишимиз керак, назаримда. Чунки мақсадни юксакроқ олмасак, капитални илмга сарфламасак, глобаллашув даврида ютқизиб қўйишимиз тайин. Шундай экан, миллат ўлароқ тараққиётимиз учун жиддий бош қотирмоғимиз зарур. Акс ҳолда, бизга ҳеч қандай қарору фармонлар ёрдам бермаслиги турган гап.

Шаҳло АҲРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар Институтини етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

САЁҲАТ



ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Саёҳат инсонга нафақат мазмунли хордиқ, балки ёқимли хотиралар, тажриба ва билим, кенг дунёқараш ҳам тақдим этади. Қадимий зиёратгоҳлар олис ва кўҳна тарих қазрига олиб боради. Қозғонистоннинг Туркистон шахрида жойлашган Хўжа Аҳмад Яссавий меъморий мажмуаси шундай ажойиб масканлардан биридир. Бу ёдгорлик соҳибқирон Амир Темур буйруғига биноан, 1385-1405 йилларда қурилган. Ҳозир унга дунёнинг турли жойларидан бир миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради.

Яқинда Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касоба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидеги ташкилотларнинг бир гуруҳ ходимлари ушбу мажмуада бўлишди. Улар саёҳатдан бир олам таассуротлар билан қайтишди.

Гулноз ФАҲРИДИНОВА

МУШОҲАДА

ТАРБИЯНИ ТАРБИЯСИЗДАН ЎРГАН

«Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эйтибордан қолиши, ўзгаларга тебе ва қул, асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ. Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайди, сув идишининг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар», деган эди бундан бир аср муқаддам жадид бобомиз Абдурауф Фитрат.

Бугун ҳам тарбия масаласи ҳар қачонгидан-да долзарб. Бу масъулият нафақат ота-оналар, балки гўзал ахлоқ ва илмий салоҳиятга эга бўлган устоз-муаллимларнинг сазй-ҳаракатига ҳам бевосита боғлиқ. Бу борада ҳаётнинг ўзидан олинган дарслар ва ўрганилган сабоқлар ҳам асқатади.


Бизга яхши одамлар ўрнат қўлади. Бу табиий. Аммо ҳаётда шундай ҳолатлар бўлади, муомала, ноҳақлик ёки беҳурматлик сабаб инсон ўзига хулоса чиқариб олади: «Мен бундай қилмайман»... Ҳаёт энг доно муаллим. Инсон фақат яхшилардангина эмас, балки тарбиясизларнинг хатоларидан ҳам сабоқ олади. Баъзан инсон «қандай бў-

лиш керак»лигини англаб этади.

Зотан, Жалолиддин Румий айтганидек, ёмон одам сенга яхши инсон қандай бўлиши кераклигини ўргатади. Демак, зийрак инсон ҳатто салбий ҳолатлар орқали ҳам ўз йўлини тўғри белгилай олади. Шу маънода атрофимиздаги воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришимиз, яхшидан ўрнат, ёмондан ибрат олиб яшашимиз керак.

Ҳасантурди ҚАЮМОВ, Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Матлуба Дадабоева ижросида «Кўзим шаҳлога тушди» қўшиғи

Қаердан кўз, кўзи шаҳлога тушди? Бу ишқим шўху бепарвога тушди. Демай, бир мен кўриб, овора бўлдим, Кўриб, оху йўли саҳрога тушди.

MUASSIS:

Advertisement for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, including contact information and a QR code.

Advertisement for 'Ishonch' and 'Ishonch-Доверие' gazetes, listing subscription rates and contact details.

Advertisement for 'Bo'limlar' (branches) listing various regional offices and their contact information.

Advertisement for 'Navbatchi muharrir' (editorial board) listing names and contact details.

Advertisement for 'Umumiy adadi 32 449 ta' (total circulation) listing subscription rates and contact information.